



Умар Шайх Мирзонинг (1456—1494) кизи, Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг опаси. У 1478 йилда Андижонда тугилган. Унинг онаси—Кутлуг Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг кизи эди.

Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зехнли ва акл-заковат сохибаси бўлган. Хонзода бегим айна балогат ёшига етганда отаси Умар Шайх Мирзо тасодифан жардан йикилиб, оламдан ўтади. Ота тахтига ўтирган 12 ёшли Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг қисматида дарбадарлик даври бошланади. Ёш Бобур Мирзода бобокалони Амир Темур тахтини эгаллаш хаваси уйғониб, Самаркандга бир неча харбий юришлар қилади. Нихоят, 1501 йили Самаркандни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Аммо кўп ўтмай Шайбонийхон кўшин тортиб келиб, Самаркандни камал қилади. Камал кўпга чўзилиб, шаҳарда дахшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирзонинг кўпгина одамлари шаҳарни ташлаб қочадилар. Бобур Мирзо ниҳоят даражада кучсизланиб, хатто камални ёриб чиқиб кетиш имкониятига қодир бўлмай қолади. Ана шундай оғир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулх таклиф қилади. Кейинчалик ана шу воқеани Бобур Мирзо ўзининг машхур «Воқеанома» («Бобурнома») асарида қуйидагича тасвирлайди: «Бу маҳалда Шайбонийхон сулх сўзини арога солди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё захира бўлса, сулх сўзига ким кулок солар эди. Зарурат бўлди, сулхгина қилиб, кечадин икки паҳр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик кўгалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чиққанда Шайбонийхоннинг илқига тушди».

Аммо бу воқеа аслида бошқачарок бўлган. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулх таклиф қилиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у холда ўз харамини Самарканддан саломат олиб чиқиб кетишига имконият яратиб беражагини айтган.

Бу воқеани Бобур Мирзонинг кизи — Гулбадан бегим, ўзининг «Хумоюннома» номли асарида қуйидагича тасвирлайди: «Ана шундай вақтда Шохибек (Шайбонийхон)хон «агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулх тузилади ва хамжихатлик алоқалари ўрнатилади»,— деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди». Гулбадан бегимнинг бу фикрини «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи— Хайдар Мирзо хам тасдиқлаб, «унинг қаршилиқ кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шайбонийхон билан сулх тузиб, ўз эгачиси Хонзода бегимни унга хотинликка берди»,— деб ёзади.

Шундай килиб, Хонзода бегим Шайбонийхон никохига киради ва ундан бир ўгил кўради. Исмини Хуррамбек деб атайдилар,

Шайбонийхон катлидан сўнг Хонзода бегим укаси Захириддин Мухаммад Бобуршоҳнинг саройи — Кобулга кайтиб келади. Кўп ўтмай ўгли Хуррамбек ҳам вафот этади. Хонзода бегим ўзининг ақл-идроклиги ва тадбиркорлиги натижаси ўларок, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлади. Хонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Хумоюн шоҳ саройида маслахатчи вазифасини бажарган.

1544 йили Хонзода бегим Кобулхак деган жойда оламдан ўтади. Орадан уч ой ўтгач, унинг хокини Кобулга келтириб, Бобуршоҳ макбарасига дафн киладилар.

Тургун Файзиев